




# МЕҲНАТСЕВАР ЭЛИМ ДОИМ БОР БЎЛСИН, ИСТИҚЛОЛ ҲАМИЩА УСТИВОР БЎЛСИН!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат




1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 июль, чоршанба, 1996 йил  
Сотувада эркин нархда. № 143 (1396)

## ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ:

# МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ



**Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг ҳеч бири тараққиётга хориж сармоялари иштирокисиз эришмаган. Шу боис Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатимиз халқи учун муносиб турмуш шароити яратишни мақсад қилар экан, иқтисодий ҳаётимизга хориж сармоялари оқиб келиши учун қулай имкониятлар жорий этди.**

Жанубий корейлик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг манфаатли шериклик ҳақидаги давлатига биринчилардан бўлиб жавоб қилишди: ўзaro ишонач ва пухта режа асосида бошланган иш тез орада ўз самараларини бера бошлади. Халқимизга манзур бўла бошлаган «Уздэлектроникс» маҳсулотлари ўзaro ҳамкорлигининг илк амалий натижалари бўлди.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар нега бу қадар яхши ривожланганга айрилари ажаблантасиз эҳтиром. Мен бу савола жавобини ўзбек ва корей халқларининг покдиллигида, меҳнатқаштиги, меҳмондўстлик ва барқарорлик каби фазилатлари уйғунлигида кураман.

Ўрбощимиз Жанубий Корея Президентини Ким Ён Самнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида «Ўзбек ва корей халқларининг бир-бирини ўрганиб ўтиришига ҳоҳат йўқ», деган фикрини айтган эди. Дарҳақиқат, биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган

200 минг нафардан зиёд корей мигрантлари мансуб фуқароларимиз билан ҳаётнинг кўп синовларидан елкадош бўлиб ўтди. Бир Ватан фарондларига айландик. Бугунги кунда ҳам порлоқ келажакни биргаликда бунёд этмоқдамиз. Хулоса шунки, биз синашта, дўст халқлар вакиллари. Президентимиз юқорида ана шу ҳолни назарда тутиб эдилар. Ана шу синашта дўстлик Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналари сонининг тобора ортиб бораётгани сабабларидан бири ҳам шунда.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг мустақкам ҳужуқий асослари яратилган. Бу ўринда Президентлар — Ислон Каримов ва Ким Ён Самнинг ўзaro ташрифлари муҳим ўрин тутганини таъкидлаш керак. 1995 йил Сеулда ташрифи чоғида Ислон Каримов

Корея Республикасининг олий мукофоти — «Мугунхва» катта ордени билан тақдирланган эди. Бу мамлакатимиз раҳбарининг ўзбек ва корей халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустақкамлашга қўшган ҳиссасига берилган муносиб баҳо бўлди.

Шу кунларда ўзбек-корей дўстлиги ва ҳамкорлиги тарихида муҳим босқич бўлувчи воқеа арасида турибмиз. 19 июль кўни Асакадаги «Уздэу-авто» заводи ишга тушди. Марказий Осиёда ягона автомобиль заводи конвейери маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Шу муносабат билан юртимизга Жанубий Кореядан қўшма маҳсулотлар келиши кўтиermoқда. Асакада ва Тошкентда шу воқеага бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Биз бу тарихий воқеани дўстларимиз билан бирга байрам қиламиз.

Қувонча шериклик халқларини янада яқинлаштириди, дейдилар. Иймонлиқ қўшма корхоналари ва Жанубий Корея халқлари дўстлиги абадиятга юз тутажак. Эеро, бу дўстлик меҳнатга товланган, дарз синишдан ўтган собит туйғулур.

Амрқул КАРИМ,  
(ЎЗА)  
СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ва Корея Республикаси Президентини Ким Ён Сам.  
(Сурат 1995 йил февраль ойида олинган).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Т. Ф. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Тоҳир Фахрурович Раҳимов Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1996 йил 16 июль.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Т. Ф. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Тоҳир Фахрурович Раҳимов бошқа ишга ўтганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1996 йил 16 июль.

## ЯНГИЛИКЛАР ЯНГИЛИКЛАР ЯНГИЛИКЛАР «Халқ сўзи» ва «ЎЗА» мухбирлари хабар қилади

### «ЭЛЕКТР ҚАЛҚОН»

Пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус Бош конструкторлик бюросида кишлоқ хўжалик экинларини касалликлар ва зараркунданлардан муҳофаза қилган ҳолда ўстиришининг самарали ҳамда экологик жиҳатдан тоза технологияси ишлаб чиқилди.

У деҳқончиликда экинлар учун ёмон оқибат келтиришдан ҳаётдан молларини ниҳатлаш, тупроқ ҳамда ундаги фойдали микроорганизмларни номқабул ташқи таъсирдан муҳофаза қилиш имконини беради. Тошкентлик олимларнинг бу ихтироси гузанинг ўсиши давомидаги барча жарафаларда қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг бир қанча хўжалиқларида ўтказилган ишлаб чиқариш синиқи янги технологиянинг истиқболли порлоқ эканидан далолат беради. Конструкторлик бюроси мутахассисларининг бу иши Ўзбекистон Фан ва техника Давлат қўмитасининг дастури доирасида амалга оширилди. Ҳозир бу технологиядан полид экинлари, галла, мевали дархалар ҳамда узум тоққирини ўстиришда ҳам фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилмоқда.



Бойсун шаҳри марказидаги савдо уйи ҳузурида янги тўқув ва тикув цехлари иш бошлади. Шу сабаб 45 киши, тўқув цехида эса 12 киши янги иш ўринларига эга бўлди. Ҳозирда тўқув цехида турли трикотаж кийимлари ва жемперлар тўқилмоқда. Тўқув цехида эса ҳар хил ҳажмидаги чойшамбар, ишчи кийимлари тикилди, ташкилотларга ва аҳолига арзон нархларда сотилмоқда. СУРАТДА: маҳир тўқувчи Насиба Сафарова.

### ФАРГОНА ГАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Фаргона вилояти деҳқонлари астойдил меҳнат қилиб, дон топириши давлат буортмасини муваффақият билан бажардилар. Қабул пунктларига 196 минг тоннадан зиёд галла етказиб берилди.

Ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнерини ташкил этди. Бу муваффақиятга Бешарик, Ботлоқ, Бувайда, Кува, Олтиарик, Фуркат, Тошлоқ туманлари, айниқса, муносиб ҳисса қўшилди. Айрим ижарачи эвенолар 60—80 центнерлик ҳирмон унйишга эришди. Мавжуд ўрм қомбайнлари, айниқса, Американдан келтирилган «Кэйс» агрегатларидан унузли фойдаланиш, далада ишловчилик модалий маънафатдорлигини ошириш муваффақият тарафи бўлди. Виллода галла ўрм-йиғини давом эттириб, Ҳосилдан бўшлаган ерларга пешма-пеш такрорий экинлар экилмоқда.

### МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

Шовот тумани Махтумқули номидаги жамоа хўжалигида ишлаб турган чичик корхоналар ўн иккитга етди. Урганч пойабзал фабрикасининг бу ерда очилган шохобчасида тикилган илк маҳсулот савдога чиқарилди. Яна бир янги корхонада эса гилым ва гилым маҳсулотлари учун табиий ва сунъий йил калвадлари тайёрлана бошлади. Эчкилик хўжалик корхоналарида юздан ортиқ турда халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда. Уларнинг бир қисми қўшни мамлакатларга чиқарилмоқда.

## Факт ва шарҳ

# «КЭЙС» ҚАДАМИ ҚУТЛУФ КЕЛДИ

АҚШда ишлаб чиқарилган «Кэйс» комбайнлари Ўзбекистон галлазорларида муваффақият билан ишлатилмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан галла мустақиллигига эришиш масаласи илгари сурилганида, рости бу ишининг амалга ошишига шубҳа кўзи билан қараганлар ҳам бўлган эди. Жаҳон ҳамжамиятида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистон бугун кўпгина соҳаларда ҳамдўстлик давлатларидан анча илгарилар кетди. Мамлакат галла мустақиллиги ҳам бугун ҳақиқатга айланмоқда.

Кейинги уч йил мобайнида галла майдонлари деврли ўл баравар кенгайди, ҳосилдорлик ҳам ортиб бормоқда. Айни пайтда мустақиллигимизнинг бешинчи йили ҳосилтини йиғиштириб олиш кўзинг паллага қандай галла ўрм-йиғинини, иш жараёнида қандай ишлаётганини «Кэйс» турлади. Бундай «ақли» машина эса галлакорларимиз учун айни мўдадо. Дарвоқе, машина нархи одатдангилардан ҳайла юқори — икки юз минг долларга боради. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, бундан ташвишланишга асло ҳоҳат йўқ. «Кэйс»-лар асосан республикамизда янги ташкил этилган машина-трактор паркирига узоқ муддатли қозғалта берилади. Улар эса ҳўжалиқларга шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда. Ҳар бир «Кэйс» маҳсулда беш юз гектар майдондаги галлани ўрм бериши керак. Натўжанда у қисқа фурсат — беш йил мобайнида ҳаракатни тўлиқ оқтайди.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда галла ўрминини қисқа муддатларда ўтказиш «Кэйс» комбайнларининг аҳамияти бекиб эмас. Эеро, мамлакатимизда фаровонлик асоси ҳисобланган галла учун унумли ер майдонларини ажратиб, уруғчиликка жиҳдий эътибор бериш, агро-техник тадбирларни юқори савияда ташкил этишдан ташқари ҳосилни йиғиштириб олишда замонавий техникага таянишни ҳам тақозо этмоқда.

Сўнги икки-уч йил мобайнида жаҳонга машҳур компания ва фирмаларнинг қомбайнлари жиҳдий ўрганилди. «Кэйс» корпорацияси маҳсулотлари эса бизга ҳар томонлама мақбул бўлди ва ўтган йилги маҳсулда улар муваффақиятли синиқдан ўтди. Бу йил эса 340 та шундай машина келтирилди. Айни пайтда яна қўшимча 100 та «Кэйс» агрегати етди келди. Янги техникани кишлоқ хўжалигида кенг қўллашда республикамизда хўжалиқнинг амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Уларни харид қилишда Америка банклари узоқ муддатли кредит берди. Республика-мида осийшталлик барқарорлик ҳўмон, бошор иқтисодийга босқичма-босқич ўтиш таъминлиги тўхта ишлаб чиқилиш, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу эса хоржий ҳамкорларда ишонч ҳиссини уйғотиб, ана шундай хайрли ишларга йўл очётди.

Шу йилнинг май ойида «Кэйс» корпорацияси вице-президенти Леопольд Платтнер Тошкентда бўлиб, юрбощимиз билан учрашди. Эеро, корпорациянинг илгор технологияси ва Ўзбекистоннинг салўхияти самъали аҳли эҳтиётчи қон-истикболни таъминлаш шубҳасиз. Республикаимиз Президентини бошлик ҳўкумат делегациясининг яқинда Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи доирасида эса янв бир хайрли ишга қўл ўрмди: АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида «Ужэйв-ро-лизинг» компаниясини тузиш ҳақидаги ҳўжатлар имзоланди. Мазкур компания «Кэйс» корпорацияси кишлоқ хўжалик машиналарининг лизинг асосида республикамиз хўжалиқларида етказиб берадиган бўлди. Бу ҳам кишлоқда бўлган эътиборнинг бир кўринишидир.

Ҳўкуматимиз ўзинида етиштирилган дон билан нафақат аҳли эҳтиётчи қон-дирини, балки ортигини четга сотиш ва фирмасини қўймоқда. Бу борада хоржий компания билан ҳамкорлик беришга «Кэйс» корпорацияси доирасида чекланб қолмайди, албатта. Айни пайтда Буюк Британиянинг жаҳонга машҳур «Мас-сей фергосон» ҳамда Германиянинг «Ллас-фирмалари ишлаб чиқаравган қомбайн ва бошқа машина-механизмларни ҳам синъиб юрши юзасидан ишторнома имзоланди. Демак, Ўзбекистонда илгор техника ва технологияларнинг соғлом рақобати юзага келади. Деҳқон эса уларнинг ўзига мақбулини танабб олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса тараққиётнинг муҳим омилидир.

Қадамнинг қўтлуғ бўлсин, «Кэйс»!

Неъмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## ҚАДИМИЙ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори халқимиз кўнглидаги айни мўдадо бўлган эди. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинган, республика Маданият ишлари вазирлиги маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бошқармаси мазкур вилоятта махсус ишчи гуруҳларини юборди.

Улар Бухоронинг қадимий марказида жойлашган ноёб тарихий-маданий обидларнинг 1996 — 2000 йилгача бўлган давр ич-да таъмирлаш, тиклаш ҳамда обод донаштириш қозидан вилоят ҳўкимлиги билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқилди. Дастурда белгиланган ишлар икки босқич (биринчи босқич 1996 — 1997 йиллар, иккинчи босқич 2000 йилгача бўлган давр)да амалга оширилади. Ҳозир мазкур дастур асосида иш олиб бориляпти. Хусусан, Бухоро шаҳрининг илгор савёҳлик мар-шрусларидан бўлган обидлар — Ойбнок меъморий мажмуаси, Чорминор мажмуасидаги Ҳалиф Ниёзқул мадрасаси, Лаби Ҳовуз мажмуасидаги Қўқалдош, Нодир деволибети мадрасаси ва хонақаси, Тоқте Саррафон мажмуасидаги Саррафон ҳаммоми, масжиди ва унинг ёнида жойлашган қарвон саройлар, Ҳўжа Калон масжиди ва минораси, Тоқте Теллақфурушон мажмуасидаги Бозори ҳорд ҳаммоми, Тоқте Заргарон мажмуаси, Абдулазизхон, Мир аҳр ма-

расалари, Ҳўжа Зайнидин мас-жиди ҳамда ҳовузи, Арқ мажмуасидаги Тўхтаона қалъа девори, Бода ҳовуз мажмуасидаги мас-жид ва минора, Чашма Аюб мақбараси, Самонийлар мақбараси, Қўш мадраса мажмуаси, Файзулла Ҳўжаев уйи, Ситоран Моҳи Хосса мажмуасидаги ёдгорликларда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Иккинчи босқичдаги ишлар туркумига шаҳар ичи ва ташқарисидagi илгор меъморий мажмуалар — Ҳўжа Баҳовуддин Нақибани, Чор Бобро, Қўз боби мақбараларидаги ёдгорликлар кирди. Бухоро шаҳри бўйича тузилган дастурнинг биринчи босқичини амалга ошириш учун 1996 йилда 90 миллион, 1997 йилда 188,2 миллион, 2000 йилгача бўлган иккинчи босқичдаги ишларга эса 121,8 миллион сўм миқдоринда маблағ сарфланган экан.

Уктав ДУСТЕР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

UZINFO MARKAZI DUNYO ENI SUNGGI VOKEALAR

### БОЖХОНА СОЛМЕНИ ОЛТИ БАРАВАР ОШДИ

Қозғистон ҳўкуматининг қарорига кўра, 15 июдан бошлаб хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларни мамлакат ич-қарисига олиб кириш шартлари кучайтирилди.

Эндиликда чегаралан ўтаётган чет эл маркази автомобиль соҳиблари илгарига қараганда олти баравар кўп бошхона солиғи тўлайдилар. Қозғистон бошхона қўмитаси раиси Эркежой Дербешевнинг фикрига кўра, бу мамлакатнинг Россия, Беларусь ва Қирғизистон билан бошхона иттифоқида киргалигининг амалий натижасидир.

### ЧЕЧЕНИСТОН МУАММОСИ...

НЬЮ-ЙОРК. Александр Лебедь «Нью-Йорк таймс» газетасига берган интервьюсида «Чеченистон Россиянинг ҳудудда жойлашган ва биз бу муаммони ҳал қилишда шу нуқтага назардан келиб чиққан ҳолда иш юртамиз», деди.

Президент сайловларидан кейин яна авж олган можаро ҳақида тўхталган Россия Федерацияси Президентининг миллий халфенлик масалалари бўйича ердасими Чеченистон можаросининг ҳал этилиши учун узоқ муддатли ўтиш даври лозимлигини билдирди.

### КЎЧБ КЕЛЕТТАНЛАР ХИСОБИГА ...

ТЕЛЬ-АВИВ. Нордан дарёсининг гарбий қирғоғида жойлашган яҳудийлар манзилгоҳлари кенгаши яқин тўрт йил давомида Исроил назорати остидаги ҳудудда исроилликлар сонини уч маротаба оширишга қарор қилди.

Яҳудийлар манзилгоҳлари кенгаши раиси Пинхас Валерштейннинг таъкидлашича, ана шу давр ичида мазкур ҳудудда яна 12 та янги манзилгоҳ қурилади ва бу ердаги яҳудийлар сонини кўчиб келётганлар ҳисобига ортиб, 400-500 минг нафарга етади.

### СУВ ТОШҚИНИ ОҚИБАТИ

ДЕХЛИ. Ҳиндистоннинг Фарбий Бенгалия штатидаги Калямпонг ҳудудида кучли су тошқини оқибатида 50 нафар киши ҳалок бўлди, қўлаб кишилар бошпанасиз қолди.

Дастлабки маълумотларга кўра, тошқин натижасида бу ерда 18 та турар-жой биноси сув ва лойда остида қолган. Қутқарувчиларнинг хабар қилишича, Қалимпонгнинг айрим қисмлари билан алоқа қилишининг умуман иложи йўқ. Шунинг учун жаҳранганлар ҳақидаги энг сўнги маълумотларни олиш қийинлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Олий Мажлис қўмитасида

# ҚОНУН ТўЛА ИШЛАСА

### чорвачиликдаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топишига барча имкониятлар бор

«Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши чорва молларининг ирсий хусусиятларини сақлаб қолиш ва яхшилаш, подаларда ситирлар салмоғини кўпайтиришга, қолаверса, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган чорвачиликка оид қатор қарорларнинг бажарилишига хизмат қилмоқда.

Таърибалар шунини кўрсатмоқдаки, республикамизда селекция-наслчилик ишларини яхшилаш ҳисобига қўшимча равишда 70 минг тонна ўғит, 875 минг тонна сўт, 250 миллион донна туҳум ва бошқа қўйлаб саноат хомашёларини ишлаб чиқариш, ҳатто, чорва маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиш имконияти мавжуд. Илм-фан ютуқларига таяниб, шунини яхши мушкили, чорва маҳсулдорлигининг 60-65 фоизи ем-хашак таъминотида бўлиб қолса, 20-25 фоизи унинг наслига тааллуқлидир. Айни пайтда биз ирсий салоҳиятининг 50-55 фоизидан фойдаланяпмиз, ҳоло.

#### 150 МИНГ СўМ СОҒ ҲОҒДА

«Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси Бухоро ва Навоий вилоятларида қай даражада таъминланмоқда?

Шунини таъкидлаш кераки, мазкур вилоятларида «Наслчилик тўғрисида»ги Қонун ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган тегишли қарорларнинг бажарилиши буйича бир-мунча ишлар қилинган. Айни пайтда чорвачиликка юзга келган мураккаб вазиятдан тазорқ чиқиб кетиш юзасидан кескин чора-тадбирлар куриш лозимлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳама соҳада бўлган каби чорвачиликни ривожлантириш ҳам мулкнинг муносабатларини ислоҳ қилиш ва иқтисодий манфаатларини шакллантиришга боғлиқдир. Бухоро вилоятида мавжуд 153 та чорвачилик фермасининг 96 таси хусусийлаштирилган, 31 таси қомусий савдосига қўйиб сотилди. Навоий вилоятида эса 302 та ферманинг 12 таси қомусий савдоси орқали мулк қилиб берилган. Биз хусусийлаштирилган фермаларда мулк эгаларининг меҳнатга бўлган муносабати кескин ўзгарганини ҳис қилдик.

Қизилтепа туманидаги «Зарминта» жамоа хўжалиги раиси Қадҳор Асадов таърибали ва янгиликка интилувчан раҳбарлардан экан. У жамоа хўжалигини мулкчиликнинг янги шакли — деҳқон-фермерлар уюшмасига айлантирган. Утган йил ана шу жамоа хўжалигига қарашли ферма қомусий савдосига бир миллион сўмга сотилди ва унинг базасида фермер хўжалиги ташкил қилинди. Хўжаликка етарли миқдорда экин майдони ажратилган. Алмашлаб экин жорий қилинганлиги сабабли ернинг унумдорлиги кескин ошди. Ферма эгаси Шариф Шаропов йилга 150 минг сўм соғ фойдала олади. Ҳозирча натижада қоракўл бўлмаса-да, лекин танланган йўл тўғри, мулкка, меҳнатга ва ақлий натижага муносабат янгича эканлиги бизни қувонтирди.

Пешку туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигига қарашли Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Қайдар

**Маълумки, Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида «Наслчилик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Унинг жойлардаги ижроси қандай таъминланмоқда? Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озик-овқат қўмитасининг бир гуруҳ аъзолари ушбу қонун Бухоро ва Навоий вилоятларида қандай бажарилаётганлиги масаласини ўргандилар. Мухбиримиз қўмита раиси Жумабой УТАМОВдан ана шу ҳақида гапириб беришни илтимос қилди:**

Имомов бошлиқ «Оқ чашма» ҳиссадорлик жамияти, Ромитан туманидаги Теша Топшев бошлиқ «Озод» фермер хўжаликларида ҳам ишга янги-ча эндошлаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бухоро вилоятида наслчилик ишларини яхшилашнинг асосий омилларидан бири сунбланган урғочи молларни сунб қочирини, зотини яхшилаш, таянлаш ва саралаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу кечакундузда қорамолчилик фермаларида 132 та сунб қочирини пункти, 31 та зооветеринария шабобчалари, қоракўччиликка ихтисослашган хўжаликларда эса 67 та сунб қочирини пунктлари фойдаланиш курамоқда. Айни пайтда вилоятнинг 25 та хўжалигида қорамолларни қочирининг илор усуллари билан ҳисобланган «ректо-сервик» усули қўлланилмоқда. Жондор туманидаги «Ўзбекистон», Охунбобоев номли наслчилик фермаларида наслчилик ҳужжатлари тўлиқ юритилмоқда. Қонуннинг 21-моддасига асосан хўжаликда мавжуд насли моллар тўла бонитировка қилинган. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги наслчилик ишлари давлат инспекцияси наслчилик хўжаликларини ва подаларини тўла рўйхатга олган. Барча хўжаликларда сунб қочирини пунктлари зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Наслдор молларнинг уруғдан фойдаланишда қонуннинг тегишли бандига тўла риоя қилинмоқда.

#### НАВОИЙДА ДАСТУР ТУЗИЛГАН, БУХОРОДА ЭСА...

Чорвачилик хўжаликларидан наслчиликка қандай эътибор берилмоқда? — Жорий йилда наслчилик хўжаликларига қарашли ҳар 100 бош соғилдан 101 тадан кўзи олиниб, уларнинг аксарияти ўстиришга қолдирилганлиги аниқланди. Бироқ «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини тўла таъминлаш, чорвачилик хўжаликларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни иккала вилоятда ҳам ҳали етарли, деб бўлмайди. Мазкур қонунга асосан Бухоро вилоятида 24 та қорамолчилик наслчилик хўжаликлари давлат аттестациясидан ўтказилган. Ушбу хўжаликлар ўтган йил давомида 530 бош ўрнига 456 бош насли мол етказиб берган, ҳоло.

Бухоро вилоятида Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ наслчиликни ривожлантиришнинг худудий дастури ишлаб чиқилмаган. Вилоят хўжаликларидан ўтказилган бонитировка натижалари буйича сермахсул молларни давлат насли моллар китобига ёзиш ташкил қилинмаган.

Навоий вилоятида, айни пайтда, қорамолчилик буйича 9 та наслчилик фермаси, қоракўччилик буйича 8 та наслчилик заводи, 3 та наслчилик хўжалиги ҳамда 6 та наслчилик фермалари мавжуд. Қонун талабига кўра Навоий вилоятининг ҳар бир туман ва хўжаликларидан чорвачиликда наслчиликни ривожлантириш буйича худудий дастур тузилиб, унинг бажарилиши вилоят ҳокимлиги томонидан назорат қилинмоқда. Вилоятнинг Навоий, Навбахор ва Қизилтепа туманларида чўлбоп зотли моллар, Хатирчи ва Нурота туманларида қора-ола зотли қорамоллар бонитировка қилинмоқда. Қонимех, Томли, Нурота ва Учкулдук туманларида эса қоракўл қўйларнинг «сур», «қўк» ва «қора» типлари, «Қонимех» наслчилик заводида эса қоракўл қўйларининг «қора-жакет» хиллари мавжуд бўлиб, насли қўйларнинг ласлиги ҳаммаси бонитировка қилинган. Энг яхши насли қўйлар давлат наслдор моллар китобидан мунтазам рўйхатга олинган. Молларни сунб қочирини пунктлари зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу борада Қизилтепа туманидаги «Ёлғоробод» наслчилик фермаси таърибали алоҳида таъкидлаш керак. Молларни сунб қочирини пунктлари жиҳозлар ҳамда зотдор бўқалар уруғи билан керагича таъминланган.

Бухоро ва Навоий вилоятларининг айрим хўжаликларидан насли моллар бонитировкаси сифатсиз ўтказилганлигининг гувоҳи бўлдик. Наслчиликка доир ҳужжатлар тўла юритилмаган. Подалаги ситирлар маҳсулдорлигига қараб гуруҳларга ажратилмаган.

Навоий вилоятида йилчилик ва туячилик соҳаларига мулкдо эътибор берилмаганлиги сабабли мавжуд йилчилик, туячилик хўжаликлари тарқатиб юборилган.

Маълумотларга қараганда, ақсаринг жойларда моллар бош сони, уларнинг маҳсулдорлиги, зотдор чорва молларининг имкониятларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Бухоро ва Навоийда эми?

Ачинарли томони шундаки, бу ҳолат наслчилик хўжаликларига ҳам тааллуқли. Масалан, Бухоро наслчилик хўжаликларидан 1994 йилда ситирларнинг маҳсулдорлиги 2824 килограмми ташкил қилган бўлса, 1995 йилга келиб 2293 килограммга тушиб қолди. Қорамолчилик буйича наслчилик фермаларида қорамоллар сони 1995 йил 15670 бошдан 12316 бошга, бўзоқ омиш 81 бошдан 78 бошга, ҳар бир ситирдан соғиб олинган сўт миқдори эса 531 килограммга камайди. Қўй ва эчкилар сони ва бутунги ҳолати ҳақида ҳам айнан ана шундай гапларни айтиш мумкин. Навоий вилоятида эса ҳар бир ситирдан соғиб олинган сўт

миқдори аввалги йилга нисбатан 359 килограмм камайди. Айни пайтда ҳар бир ситирдан кунига ўртача 2,8 килограмм сўт соғиб олинмоқда. Наслчилик хўжаликларидан эса бу кўрсаткич 3,2 килограммни ташкил этапти. Вилоят буйича қорамоллар сони кейинги икки йил ичида 8929 бошга, ситирлар сони эса 975 бошга, қўй-эчкилар 318,6 минг бошга, соғилқар 193,4 минг бошга камайди. Ҳар юз урғочи молдан бўзоқ омиш 75 бошдан 67 бошга, қўзи омиш 109 бошдан 98 бошга тушиб қолган. Биргина Қонимех наслчилик заводида қоракўл қўйлар 34 фоиз, соғилқар эса 12 фоизга камайган.

Чорвачилик хўжаликларининг иқтисодий аҳволи ҳақида нималар дея оласиз?

У қалар яхши эмас. Масалан, Қонимех туманидаги «Қонимех» наслчилик хўжалиги оғирлиги қоракўл тери ва жуз маҳсулотлари сотилмай ётибди. Тайёрлов идоратларининг эса сотиб олишга ва пул тўлашга қурби етмайпти. Натижада хўжаликлар таъминотчи ташкилотлардан қарз бўлиб қолишапти. Мазкур хўжалик бундан ўн йил аввал «Қаражакет» қўйлар зотида ихтисослашган эди. Бироқ ҳозирги кунда қоракўл терининг бу навига бозорда талаб анча паст. Харидорлар қоракўл тери берилаётган қўйлар зотида ўтиш эса анча маблағ ва вақт талаб этади.

#### ЭЪТИБОР СУСАЙДИ

Сиз юқорида чорва маҳсулдорлигининг мўл-кўчилигини таъминлаш моллар зотини яхшилаш, туёқ сонини кўнайитириш, энг аввало, муштасхам озуқа базасини қай даражада яратилганлигига боғлиқ, деган эдингиз...

Дараҳқиқат, шундай. Ҳар икки вилоятда ҳам, чорва молларининг озуқаси бўлган талаб тўла қондирилмаётган. Масалан, ўтган йили Бухоро вилояти буйича чорва молларининг озуқаси бўлган талаб 36,7 центнер озуқа бирлигини ташкил қилган бўлса, унинг ўрнига 12,9 центнердан озуқа тайёрланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 феврал қарорига асосан Бухоро вилоятида ҳар бир бош шартли молга 0,45 гектар, наслчилик хўжаликларидан эса бир гектар ер ажратиб қўйла тутилган эди. Лекин вилоятда кейинги икки-уч йил ичида бу масалага эътибор бирмунча сусайганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, бу кўрсаткич 1995 йил сўт-товар хўжаликларидан 0,21 гектарни, 1996 йилда 0,11 гектарни, наслчилик хўжаликларидан эса 1995 йилда 0,30 гектарни ташкил этмоқда. Жондор туманида аҳоли жуда ҳам ачинарли. Тумандаги Гулистон, М. Тароий, «Ўзбекистон», Н. Ражабов, О. Бобоев номли наслчилик фермаларида 370 дан 430 бошгача бўлган шартли молга атиги 4-5 гектар беда майдони қолдирилган, ҳоло.

Муҳокама давомида агар бизда қонун тўла қувват билан ишласа чорвачиликдаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топишига ишонч ҳосил қилдик. Бунинг учун биздан қандай меҳнат ва қонунга риоя этиш талаб этилади, ҳоло.

«Халқ сўзи» мухбири И. ХУДОЕВОВ сўхбатлади.



Маълумки, «Ўзбекистон» озиқ-овқат ҳиссадорлик жамияти республикамиздаги қўзи қўриқини, еткази қорамоллардан саналади. Чунки мамлакатимиздаги мавжуд экин қайта ишлаш корхоналари учун зарур бўлган уқунларни асосан ана шу корхона етказиб беради. Яқинда ушбу корхона Муборак газини қайта ишлаш заводидаги конденсаторлар тайёрлаб бериши учун буюртма олди. Сўрада: қайта уста Алишер Рустамов (чапда) ва қиллар Урал Подиев иш устида. Р. Шамсидинов олган сурат.

**Иқтисодий ҳуқуқ**

**СЕРТИФИКАТ**

— гувоҳнома; давлат заъми — облигациянинг махсус тури, қарза пул берганлик ҳақидаги гувоҳнома. Омонат сертификати — ҳукуматнинг қимматбаҳо қозғи кредит ташкилоти, масалан, банк томонидан берилди. Акционерлик сертификати — ўз соҳибининг компания капиталда бир қисмига эгаллигини тасдиқловчи ҳужжат; иштирокчилик сертификати — қайта тикланган кредит бериш тўғрисида банклар ёки ҳукумат аёғитларининг мажбурияти; сўғурта сертификати — сўғурта шартномасининг шартлари қайд этилган ҳужжат. Шунингдек, ташқи иқтисодий алоқаларда товар сифати гувоҳнома, сўғурта қилинган мулкка етган зарар тафсилоти, ҳажми ва сабабларини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам сертификат, деб аталади.

## ВАЛОУТАНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДАГИ БАРҚАРОРЛИГИ

Пул бойлик сифатида қийматга эга бўлган тақдирдагина ўзининг халқ хўжалигидаги вазифасини тўласинча бажара олади. Бошқача қилиб айтганда, қўрадиган фойдасини бой бериб қўймаслигига ишонч қомил бўлганда киши ҳеч қачон молини пулга айлантирмайди. Пулнинг қадри барқарор эмас экан, у ҳисоб-ки-тоб воситаси ва қиймат ўлچови сифатида ҳеч нарсага ярамайди.

Валютанинг ички ва ташқи бозордаги барқарорлиги бир медалнинг икки томонидай гап. Ички бозордаги барқарорлик умуман, нарх-навоининг барқарорлиги дейиш мумкин. Аммо ташқи бозордаги барқарорлик тушуновчаси аниқ-ўшқинли таъриф бериш жўн иш эмас.

Авал ички бозордаги барқарорлик хусусида фикр юритайлик. Агар нарх-наво кўтарилаётган бўлса, барқарорлик бўлмайди. Яъни маълум миқдордаги пул бирлигига харид қилинган мол миқдори тобора камайиб бораётганда бозордаги барқарорлик ҳам ўз-ўзидан бузилади. Нарх-навоининг ошishi ва инфляциянинг (пулнинг қарсизланиши) сабаблари турлича бўлиши мумкин. Инфляциянинг асосий турлари талаб ва тақлифнинг инфляциясидир.

Халқ хўжалигида мол-махсулот массасини нисбатан пул массасининг ошиб кетиши инфляцияни келтириб чиқарувчи барқарорлигини сақлаб туриш Марказий банк пул массасини тартибга солиш орқали инфляцияни эплатиши мумкин. Бироқ инфляция сабаблари хусусидаги баҳс-мунозаралар шунинг барқарорлигини сақлаб туриш Марказий банкнинг мавжуд пул массасини ўз қўлида ушлаб ту-

рига ёки валюталар қорзинасига нисбатан алмашинув курси ҳақида борапти. Яъни фақат номинал нисбат ёки нарх-навоининг ошishi валютанинг ташқи бозордаги барқарорлигига таъсир қилиш-қилмаслигини ҳақида сўз юритилмапти. Гарчи валютанинг таъбир илмий маънода аниқ таърифи бўлмаса-да, шу нарса борки, у ошиб кетишида шартларини қонитирилади. Ана шу таърифта мувофиқ валютанинг алмашинув курсини қонитирилади. Дараҳқиқат унинг харид қилиниши келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқармоқ лозим. Агар Москвада 1000 рублга харид қилинган молни Нью-Йоркда бир долларга олдиш мумкин бўлса, демак, алмашинув курси 1:1000 экан. Айтайлик, шу молнинг нархи бир йилдан сўнг Москвада ҳам, Нью-Йоркда ҳам баравар ошган бўлса, уша алмашинув курсининг ўзи амал қилиши лозим. Агар нарх-навои АҚШда қамроқ, Россияда эса кўпроқ ошган бўлса, пул девальвациясини ўтказиш зарур. Бир-бири билан узвий боғланган халқ хўжалигида бу таъминоти ички иқтисодийдаги барқарорлигининг устунлиги ташқи бозорда ҳимояланганига қўмақлаштириши мумкин.

**СОҒИБҚИРОН ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН ЧИННИЛАР**

Самарқанддаги «Нафис» ҳиссадорлик бирлашмаси буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудини тўғрига ўзига хос туҳфа тайёрлади. Буюк бобоқалонимиз тасвири туширилган тўққиз хил маҳсулот савдо ташкилотларига жўнатилга бошланди.

— Қулғуғ тўғича тўрт миллион донна шундай чинни бў-юмлар чиқаримиз, — дейди бирлашма раиси Б. Тўрақуллов. — Юбилей нишонини туширилган сержило пийла, чойнак, лаган ва гулдонлар тўғича ташириб буюрган меҳмонларга ман-зур бўлади деган, умидимиз.

**Сўраган эдингиз**

**ЧЕТ ЭЛ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ТАЪМИРЛАЙДИГАН УСТАХОНАЛАР БОРМИ?**

Ҳозирги кунда республикамизда, айниқса, пойтахтимизда чет эл машиналарини қўйлаб учратиш мумкин. Ана шу автомобилларни таъмирлай-диган устaxonалар қаерда жойлашган?

Наби ЙУЛДОШЕВ, Ташкент шаҳри.

Ташкент шаҳрининг Халқлар дустлиги шоҳқўчасида «Тойота — Уэинавтосервис» Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси жойлашган. Устaxonада Япониянинг дунга машҳур «Тойота» фирмаси машиналари ва бошқа баъзи чет эл автомобиллари таъмирланиб, бир йил ёки 50 минг километргача қаролат ҳам берилди. Бундан ташқари, пойтахтнинг Фуқат кўчасида қўшма корхонанинг автодўкони ҳам ишлаб турибди. Унда «Тойота» автомобиллари, машиналар учун эҳтиёт қисмлар ва жаҳонга донги кетган Англиянинг «Шелл» фирмаси автомайларни сотилмоқда.

Германиянинг «Мерседес» автомобилларини тузата-диган устaxonа шаҳарнинг Сергели туманида жой-лашган. Шу давлатнинг «Опель» машиналари Ташкент вилоятининг Қўрай туманида тузатилади. Туркия-нинг «Доған» автомобиллари эса метронинг Ойбек бекатидаги устaxonада таъмирланади.

**«Иккиламчиқорамет» ИБ**

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ишлаш учун Ўзбекистонда доимий яшайдиган фуқароларни газ билан қирқувчи мутахассислиги буйича ишга тақлиф этади.

**Меҳнат ҳақи ишбай (4000-5000 сўм). Ишловчилар уч марта бепул овқат билан таъминланадилар.**

**Мурожаат учун манзил:** Ташкент ш., Сирғали саноат даҳаси.

**Тел.: 58-57-09, 58-81-33. Факс: 58-81-33.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХўЖАЛИК СУДИДА**

**Республика Олий хўжалик суди ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида «Банклар иш-тироқидида жанжалли масалаларни суд амалиётида умумлаштириш материаллари ва хўжалик судлари қарорларининг банк муассасалари томонидан ижроси тўғрисида»ги масала қўриб чиқилди. Унда республикадаги йирик банкларнинг вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов олиб борди.**

Юридик хизмат йўқ бўлган ёки у бўш ишлаётган банклар шикоят-даъво материалларини малакали тайёрлай олмайдилар. Бундан ташқари, улар берган кредитларини қайтариб олиш учун зарур чораларни кўрмайдиган, кредит олувчиларнинг иқтисодий аҳволини ва қарзини тўлай олиш имкониятларини ўрганмай, кредит бераверди. Банк хизмати курсатиш ва кредит бериш юзасидан шартномани тўғри тузайди, қардорларга нисбатан

нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиб, лавозимларидан четлаштирилди.

Хўжалик судларининг пул маблағларига оид буйруқларининг банклар томонидан бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 112-моддасига биноан банк муассасалари-га жарима солишга асос бўлади. Масалан, Сурхон-дарё вилояти хўжалик суди фақат 1996 йилнинг биринчи чорагида 28 та иш буйича банк-жавобгарларга 2 миллион 680 минг 263 сўм миқдоридан жарима солиди.

Ҳайъат йиғилишида қабул қилинган қарорда банк ходимларининг судьялар ва хўжалик судлари мутахассис-лари иштирокчи семинар-машгулотларини ўтказиш чораларини қўриш назарда тутилди.

Маърифат

БУ ЛИЦЕЙДА АСОСИЙ МЕЗОН - ИЛМ

Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳрида жойлашган 1-иктидорли болалар лицей-интернатининг директори Бобораҳим Мирзаевнинг иктидорли бошлиқ эканлигини сал бўлса ҳам кўз олдингизга келтиришигиз учун бир тафсилотни айтаман: виллоятда ҳозир мукамал ва чуқур маълумот берадиган 14 та лицей бор ва уларнинг ҳаммасида ҳам инглиз тили пухта ўргатилади.

Бир-икки йилдан бери тилни ва бошқа илмларни тенқурларидан зиёд биладиган ўқувчилар бевосита америкаликлар томонидан имтиҳон қилиниб, мутлоқ ғолиб деб топилган ўқувчилар муайян муддат олий мақом тахсилни давом эттириш учун уммон ортидаги бу ажойиб мамлакатга таклиф қилинади. Сурхондарёликлар ҳам америкаликларнинг бундай танловларига бошқа виллоятдаги тенгдошларидан орқадан қолмаслик учун зўр бериб қатнашмоқдалар. Имтиҳонлар бизнинг имтиҳонларимизга ўхшамаганлиги учун беш юзлаб талабдордан уч нафар ўқувчи Америкага бориб ўқиш таклифномасини қўла киритди. Ҳамма гап шундаки, ана шу уч нафар ўқувчи Бобораҳим Мирзаев раҳбарлик қиладиган лицейнинг талабаларидир. Мазкур мактабда инглиз тили, физика, математика, информатика сингари илмларга қобилияти баланд бўлган ўқувчилар ўқитилади.

Бобораҳим Мирзаевнинг мактабида 300 нафар ўқувчига дарс берилган 36 нафар муаллим ҳар йили айни шу ерда ишлаш учун имтиҳондан ўтади. Ва у катта давраларда «Ҳалиям Бобораҳим Мирзаевнинг мактабида ишлаяман», деб тортинмасдан мақтаниб юриши мумкин. Чунки бу мактабга ҳар қандай муаллим... ишга олинмайди, ишга киргани ҳам бултурги билими билан кифояланиб қолса, Мирзаев бундай муаллимнинг жойига

дарров чарсиллаб юрган одамни топади. Чунки бу ерда асосий мезон илм! Қайси муаллим талабаларга кўп билим берса, ўша муаллим... азиз! Бундай, жуда саноқли мулоҳазалардан сўнг ўқувчилари билан муаллимлари Сурхондарёда катта виллоятда шундай мартаба ва мақомларга эришган бўлса, уларнинг раҳбари қандай... одам, деб сўрашингиз мутлақо табиий ҳолдир. Ҳали қирққа ҳам кирмаган бу Бобораҳим Мирзаев ўзи математик, кибернетика илминини Москвада ўқиган, Москвадаги халқроқ Педагогика академиясининг мактабларида информатика фанини ўқитиш секциясининг аъзоси, бу мавзудаги бир неча мухтасар рисоаларнинг муаллифидир. Айтмоқчи, булар қамлик қилганидек ҳар куни... шеър ёзади. Агар сизда рағбат сезса, Румий, Бедил, Жомий сингари муборак шоирларнинг тиллодай арқираб турадиган ғазалларини кун бўйи ўқиб бериши мумкин.

Аммо, бу маълумотлар тугал бўлмоғи учун яна бир гапни илова қилмоқ керак. Яқинда Бухоро шаҳрида виллоятлардан келган таълим муассасалари раҳбарларининг кўриги бўлиб ўтди. Бу танловда бошқа жуда кўп даъвогарлар қаторида Бобораҳимнинг маърузаси жуда юқори баҳоланди. Мен бу тафсилотга Бобораҳимдан шарҳ сўрадим. — Мен бир нарсадан хурсанд бўлдим, — дейди у. — Республикаимизда яхши муаллимлар кўп экан. Тождилни РАЗЗОК, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўн тўққизинчи асрнинг биринчи ярмида кўҳна Қўқонда ўзига хос бир маданий, илмий ва адабий муҳит вужудга келди: турли шаҳар, қишлоқлардан олим, ҳаттот, мусаввир, муаллим, шоир, машшоқ муқаллид, зарофатгўйлар шаҳарга жамланди, махсус хунар мактаблари, мадрасалар ривожига алоҳида эътибор берилди; энг мумтоз асарларни саралаб кўчириш, таржима қилдириш йўлга қўйилди.

Уларга арқонли давлат ҳомийлик қилди. Элликлан зиёд ижодкорлар ягона адабий муҳитда жамланди. Ҳатто чекка Аштга ҳам Муҳаммаднинг Қосоний бошчилигида котиблар ва расомлар-мусаввирлар тайёрлайдиган махсус мактаб очилган. Ана шу катта бир ижодий жараённинг раҳнамоси — сарқори Амир Умархон-Амирий эди. 1810 йили акаси Олимхон фитна оқибатида ўлдирилган, уни хон этиб кўтардилар. Ун йилдан зиёд ҳукмронлик қилган Амирий ўзидан ўзбек ва тожик тилларида катта ҳажмдаги шеърлар девонини қолдирган. Девон 1887 йилдан 1909 йилгача бир неча бор чоп этилган. Ҳамма дегудек Қўқон адабий муҳити, Амирий ижодини ўрганишда академик Азиз Қаюмов, филология фанлари доктори Маҳбуба Қодированинг хизмати катта. М. Қодирова 1972 йили Амирий девонини чоп эттирган эди. Лекин ўша йиллардаги ҳукмрон коммунистик мафкура тўғрисида «ўтмиш» ни идеаллаштириш, «сарой адабиёти вакили» тамгалари билан китоб матн этилиди ва тарқатишига йўл қўйилмади.

Яқинда девоннинг 1887 йилги Истанбул ва олимпиа М. Қодирова нашрларини ўқиб чиқдим, шоир ижоди ҳусусида мукамал тасаввурга эга бўлдим. Ҳазилларини кўздан кечириб эканмиз, уларда адабий мавзуларда ишқ тасвирланганлигини кузатамиз. Аммо ана шу аънаваний муҳаббат тасвирларида Амирий мутлақо ўзига мос бир йўл тут-

ган. У Лутфий, Навоий, Бобур ғазалларидан файз топиб, арузининг халқ қўшиқларига яқин баҳоларда ижод этишда, муайян инсон — маъшуқа чиройини нафис чизишда, ошиқ илти-

даланишига, ғазалсароликка янги бир лаваҳа олиб киришга муяссар бўлади: Ишқ баҳрида кўнгли моҳисини сайд эгали, Зулфин ҳар бир кажи юз халқан

этиш аънаси мавжуд. Шоир бу ерда ёр кўзини-қобигини бодомга ўхшатиш аънасини давом эттирган ҳолда, фикрининг қабириқ ифодаланишига эришган.

«Сутун», «Зеб», «Яктараф» радиони ғазалларда ҳам бир-бирини тақрорламайдиган, бошқа санъаткорлар ижодида кам учрайдиган ранг-баранг ташбеҳлар қўлланилган ва жозибали тасвирлар яратишга эришилган. Жуда кўп классик шоирларимиз ёр сочини мушкка, мушки

САРВИ ХИРОМОН БИР ТАРАФ

ёхуд сўз гуҳаршуноси

жоси, дард-ҳасратини ифодалашда халқ лапарларидек содда, равон шеърлар яратишга эришди. Классик ғазалиётимизда кўпинча ёр лаби устидаги нафис қора тук гўзаллик тимсоли сифатида мушки анбар, райҳонга қиёсланди. Амирий ғазалларида ана шу «хат»нинг юзлаб ҳолатлари бадий ташбеҳга, тимсолга айланганлигини кузатамиз: «Хатти анбар», «хатинг нуқтаси», «анбарин хат», «сабан хатти», «хатти шабран», «хатинг райҳони», «хатинг дари», «хат зоҳир ўли лъилини» сингари сўз ва ибораларнинг хилма-хил товланишлари келиши фикримизни тасдиқлайди.

Ақсарият шоирларимиз ёр ғажагини, баъзан сочини ҳам ошиқ учун қўйилган тузоққа ўхшатдилар, ёрнинг ошиққа қиё боқинини, қайрилиб кўз қирини ташлашини «мўрча нигоҳ» деб таърифлаганлар. Амирий ана шу аънаванга ўзгача ёндашди: гажагу зулфини кўп ҳолатларда қўллаб, яъни қармоққа қиёслаб, фикрни теран ифо-

қуллаб эрур. Мумтоз ғазалларимизда кўп учрайдиган «мўрча нигоҳ» иборасини эса соддагина «нимнигоҳ» тарзида ишлатгавари:

Нимнигоҳинг кўз учидин, турли мижсон саф тузиб, Хам бўлиб, таълим этиб, ёр ўлиди фармонингда қош. Ёки ёр лабларини таърифлаб хат иншо этган қаламни бол чўққан тўти тумшунига ўхшатали: Хар қаламким лаблари васфида таъхир этса хат, Тутидурким бўлар шаҳд ичра минқори сучук. Куйидаги байтда ҳам ўзгача, мутлақо янги бир қиёс мавжуд: Ҳисо ўлмиш асар кўрсам кўзингни рўза чоғида, Нехуш улаким қилур бодом ила ифтор мен англиг. Маълумки, Фаргона водийси халқлари орасида рўза кунлари ифторга бодом қўйиш, бодом магзи танаввуд

Хўтан тарқатадилар бир мўъжизага таққослайдилар. Амирий эса зулф образини янгича талқин этган:

Икки фатон кўз ўнг Чин шаҳридан бож олса, тонг эрмас Хўтан мушкига тушмиш шухрати зулфиндан овоза. Яъни, ёр зулфларини паришон қилгандан сўнггина энг зўр ҳид тарқатадиган Хўтан мушки шухрат пайдо қилган экан. Кўриниб турибдики, шўролар даврида мавзу жиҳатидан маҳдуд, гоийа йўналиши нуқта-назардан қашшоқ, фақат яланғоч шахватпарастликини тараннум этган, шаклбозликдан иборат, деб камситиб келганимиз Амирий асарлари ўзбек ғазалиётининг зарварларини ташкил этаркан. Шунинг учун ҳам унинг девонини қайта нашр қилиш ҳамда илмий-танқидий матнни яратиш гадаги вазифамиздир. Ҳамиджон ХОМИДИЙ, профессор.

БАРХАНЛАРДА... БАЛИҚ ОВИ

Андижондаги энг серқатнов чорраҳалардан бирига жойлашган «Баҳор гуллари» озиқ-овқат дўқонида доимо тирик балиқ сотилади. Чунки Улуғнор туманидаги балиқчилик хўжалиги билан шу ҳақда шартнома тузилган.

Марказий Фаргона қум барханлари орасида ташкил этилган қўлларда бир неча турда балиқ етиштирилмоқда. Ҳозирги вақтда ана шу қўллар майдони 830 гектарга етди. Хўжалик жамоаси бу йил эл дастурхонига минг тоннадан зиёд балиқ етказиб беришга аҳд қилган. Бу борада виллоят марказидаги савдо шохобчалари, шунингдек, Шаҳрихон, Олтинқўл, Балиқчи туманлари тадбиркорлари билан тузилган шартномалар тўла бажарилмоқда. С. Аҳмаджонова.



Наманган туманидаги «Охунбобоев» номи жамоа хўжалиги сертармоқ. Бу ерда йигирмадан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари тайёрланади. Хўжаликнинг Хидоят Холбоева бошчилиги қиладиган 4-бригада аъзолари бу йил 60 гектар пахта майдонидан 30 центнердан ҳосил олиш ниятидалар. Шу кунларда далаларда иш қизғин. СУРАТЛАРДА: (чапдан) Г. Аҳмедова, бригада бошлиғи Х. Холбоева, Ш. Бобоева; механизатор М. Бадалов. Т. МАҲКАМОВ тасвирга олган.



Advertisement for 'Ўзпўлатқурилма' (Uzplotalqurilma) featuring a list of machinery models and prices, such as MPTC-100, KT-100, and others.

Advertisement for 'YAMAHA-ASIA' music store, listing various musical instruments like pianos, guitars, and amplifiers.

Advertisement for 'Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёш мутахассислар учун БМТ Котибияти ва ваколатхоналаридаги лавозимларга куйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади:' listing various professions like informatics, computer technology, etc.

Advertisement for 'Ипак йўли' (Silk Road) bank, offering services like currency exchange and loans.

Advertisement for 'ДИҚҚАТ, ЯРМАРКА САВДОЛАРИ!' (Attention, Market Sales!) featuring a list of goods and services available for sale.

Advertisement for 'OIL SERVICE' featuring oil products and services, including fuel and lubricants.

Advertisement for 'Ташкилот Тошкентдаги омборидан' (Warehouse in Tashkent) listing various goods and services available for purchase.

